



ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-йил • 22-январ • payshanba • № 3 (6583)

Темір ҳо‘ллар
мамлакатимиз
иқтисодийоти-
нинг қон
томиридир.

Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА АҲОЛИНИ ВА ҚИШЛОҚ
ХҲЖАЛИНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШ БҲЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТ-
ГАН ИШЛАР ЮЗАСИДАН АХБОРОТ БЕРИЛДИ.

АҲОЛИНИ ВА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ ИШЛАРИНИНГ БОРИШИ КҲҮРИБ ЧИҚИЛДИ

Ушбу тадбир мамлакатимизда демографик жараёнлар,
меҳнат ресурслари, ижтимоий инфратузилма ва ҳудудий
ривожланишни илмий асосда режалаштиришда муҳим аҳа-
мият касб этади. РҲйхатга олиш жараёнлари халқаро стан-
дартлар асосида, замонавий рақамли ечимлардан фойда-
ланган ҳолда амалга оширилмоқда.

РҲйхатга олиш жорий йилнинг 15 январидан 28 февра-
лигача икки босқичда ўтказилмоқда. 15-31 январь кунлари
давом этадиган биринчи босқичда фуқаролар махсус ах-
борот тизими орқали онлайн рҲйхатдан ўтишлари мумкин.
Иккинчи босқичда эса 4-28 февраль кунлари “маҳалла етти-
лиги” ходимлари томонидан уйма-уй юриб, саволномалар
планшет қурилмалари орқали тўлдирилади.

Аҳолини рҲйхатга олиш жараёнлари census.stat.uz пор-
талида амалга оширилиб, OneID тизими орқали иденти-
фикация қилиниши белгиланган. Барча маълумотлар геоахбо-
рот тизими асосида мониторинг қилинмоқда. Шу мақсадда
республика бҲйича 7,6 миллиондан ортиқ хонадон ва турар
жойларнинг геоманзиллари шакллантирилди, жараёнларни
реал вақт режимида кузатиб бориш имконини берувчи мах-
сус мониторинг дашбордлари ишлаб чиқилди.

Фуқаролар томонидан тақдим этиладиган барча маълү-
мотлар қонунчилик талабларига мувофиқ ҳимоя қилинади,
шахсий маълумотлар махфий сақланади ва фақат статис-
тик мақсадларда қўлланилади.

РҲйхатга олиш тадбирларини юқори савияда ўтказиш
учун 14 та ҳудудий ва 208 та туман ва шаҳар штаблари таш-
кил этилди. 60 минг нафарга яқин рҲйхатга олувчи ходимлар
тайёрланди. Жумладан, 54 минг нафар “маҳалла еттилиги”
вакиллари, 2,6 минг захира ходимлар ҳамда 4 минг нафар
ҳудудий штаб аъзолари жараёнга жалб этилди. Шунингдек,
вазирлик ва идоралардан 480 нафар тренер, олий таълим
муассасаларидан 3200 нафар волонтер ўқувдан ўтказилди.

Аҳолини хабардор қилиш ва тарғибот ишларига ҳам
алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 110 та тарғибот
видеоролиги, 600 та телевизион лавҳа тайёрланди, ижти-
моий тармоқда 6,3 мингта, аҳоли гавжум жойлар ва жамоат
транспортларида 23 мингдан зиёд ахборот материаллари
жойлаштирилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунга қадар махсус портал ор-
қали 2,48 миллион хонадон ҳамда 31 мингта фермер хҲжа-
ликлари ва қишлоқ хҲжалиги корхоналари рҲйхатга олинди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли ва қишлоқ хҲжалигини рҲй-
хатга олиш тадбирларини сифатли ўтказиш, маълумотлар-
нинг ишончлилигини таъминлаш ва улардан қарор қабул
қилиш жараёнларида кенг фойдаланиш муҳимлигини таъ-
кидлади.

Prezident.uz

ЖАРАЁН

УЗЕЛ СТАНЦИЯ ВА КОРХОНАЛАРИДАГИ ЁЗУВЛАР, ХҲЖАТЛАР ЛОТИН АЛИФБОСИГА ЎТКАЗИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025
йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қарашли
темир йўл вокзали, темир йўл станцияси ва темир йўл разъ-
езди номларини давлат тили қоида ва меъёрларига мувофиқ-
лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 651-сонли қарори
ижросини таъминлаш мақсадида “Темирйўл-инфратузилма”
акциядорлик жамиятининг “Тошкент минтақавий темир йўл
узели” филиалида куйидаги ишлар амалга оширилди:



- узел тасарруфидаги корхоналар ва барча 56 та темир
йўл станцияси номлари тўлиқ лотин алифбосида ёзилди ва
ўрнатилди;

- темир йўл станциялари штамплари лотин алифбосида
белгиланган ўлчамда тўлиқ алмаштирилиб чиқилмоқда;


- станциялар ва корхоналар ички ва техник ҳужжатлари,
муқовалари босқичма-босқич рус тилидан лотин алифбоси-
га асосланган давлат тилига ўзгартирилмоқда.

Нуриддин РАСУЛОВ,
“Тошкент минтақавий темир йўл узели”
филиали бҲйича масъул ходим

ХИТОЙ КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИГА 10 ТА ЭЛЕКТРОВАЗ ВА 2 ТА ТЕПЛОВАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИ-
КАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
2025 ЙИЛ 27 ДЕКАБРДАГИ
“2030 ЙИЛГА ҚАДАР ТЕМИР
ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА
МАҲАЛЛИЙ ЙЎНАЛИШ-
ЛАРДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИР-
ЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
391-СОН ҚАРОРИ ИЖРО-
СИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚ-
САДИДА “ЎЗБЕКИСТОН
ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯ-
ДОРЛИК ЖАМИЯТИДА
ЛОКОМОТИВ ПАРКИНИ
ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОВАЗ
ВА ТЕПЛОВАЗЛАР БИЛАН
БОЙИТИШГА КАТТА
АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛ-
МОҚДА.

Бунинг учун Хитой Халқ
Республикасининг “CRRC
Zhuzhou Lokomotive CO., Ltd.”
компанияси билан ишончли
ҳамкорлик алоқалари йўлга



қўйилган бўлиб, замонавий
локомотивларни юртимизга
етказиб беришда қатор шарт-

номалар имзоланган.
Ўтган ҳафтада “Ўзбекис-
тон темир йўллари” акция-
дорлик жамияти Қабуллар
уйида янги электровоз ва теп-
ловозларни харид қилиш ма-
салаларига бағишланган йи-
гилишда Бошқарув раиси Зу-
фар Нарзуллаев Хитой Халқ
Республикасининг “CRRC
Zhuzhou Lokomotive CO., Ltd.”
компанияси бошқаруви раиси



Ван Цяолинъ бошчилигидаги
делегация билан учрашди.

Музокараларда 2024 йил-
да икки томонлама тузилган
шартнома шартларига асосан
қўшимча 10 донга замонавий
юк ташувчи электровоз ҳамда
2 донга йўловчи ташишга мўл-
жалланган тепловоз харид
қилиниши ва ушбу локомотив-
ларнинг таннархи ҳамда мам-
лакатимизга етказиб бериш
муддатлари келишиб олинди.

Учрашув давомида томон-

лар жорий йилнинг охиригача
“Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамиятига бит-
та, 2027 йилда эса иккинчи
йўловчи ташишга мўлжаллан-
ган тепловозни етказиб бериш
бҲйича келишувга эришишди.
Шунингдек, 10 та замонавий
юк ташишга мўлжалланган
электровозларни ҳам босқич-
ма-босқич олиб келтирилиши-
га келишилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ

ТАДБИР

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ – ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ДАСТУРИЛАМАЛ ХҲЖЖАТИ

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР
ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОР-
ЛИК ЖАМИЯТИДА ЎЗБЕ-
КИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВНИНГ 2025
ЙИЛ 26 ДЕКАБРЬ КУНИ
ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗ-
БЕКИСТОН ХАЛҚИГА
ЙЎЛЛАГАН НАВБАТДА-
ГИ МУРОЖААТНОМАСИ
МАЗМУН-МОҲИАТИНИ
КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА
ЕТКАЗИШ МАҚСАДИДА
МУҲИМ ТАРҒИБОТ ТАД-
БИРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



Мазкур тадбирда Халқ
депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши депутаты, Корруп-
цияга қарши курашиш миллий
кенгаши аъзоси, “Сиҳаттоҳ”
масъулияти чекланган жа-
мияти директори, социология
фанлари доктори, профес-
сор Т.Матибаев, “Ўзбекистон
темир йўллари” акциядорлик

жамияти бошқаруви раиси-
нинг маънавият ва давлат
тили бҲйича маслаҳатчиси
Х.Хатамбаева, Персонални
бошқариш ва кадрлар тайёр-
лаш департаменти бошлиғи
Д.Сабилов ва соҳа ходимла-
ри иштирок этди.

Т.Матибаев “Ўзбекистон
темир йўллари” акциядорлик

жамияти ходимлари олдида
Президент Мурожаатномаси-
нинг аҳамияти, унинг асосий
ғоя ва устувор йўналишлари
хусусида маъруза қилди.

Таъкидланганидек, Му-
рожаатномада мамлакатни
ҳар томонлама барқарор ри-
вожлантиришга қаратилган
комплекс вазифалар белги-

ланган бўлиб, улар, аввало,
иқтисодий барқарорлиқни
таъминлаш, тадбиркорлик
муҳитини янада яхшилаш,
аҳоли бандлигини ошириш,
камбағалликни қисқартириш
ҳамда ижтимоий соҳаларни
янги босқичга олиб чиқишни
назарда тутди.

Давоми 2-бетда

ИНСОН ҚАДРИ – ТЕМИР ЙЎЛДАГИ ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНИ

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРГА МАНЗИЛЛИ ЁРДАМ:

ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСА

Ижтимоий ҳимоя тизимининг самараси кўп ёрдам кўрсатилганида эмас, балки ёрдамнинг кимга, қачон ва қандай шаклда етказилганида намоён бўлади. Ана шу мезондан келиб чиқилганда, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилотининг 2025 йилдаги фаолияти инсон қадрига қаратилган, манзилли ва ҳаёт билан уйғун ижтимоий ишлар намунаси сифатида эътиборга лойиқ.

МАНЗИЛЛИ ЁНДАШУВ – ИШОНЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ АСОСИ

2025 йил давомида ташкилот ўз фаолиятини Давлат дастурлари, соҳавий ҳамкорлик режалари ҳамда йиллик иш режалари асосида олиб борди. Бугунги кунда рўйхатда 2 минг 149 нафар эҳтиёжманд темирйўлчи мавжуд бўлиб, улардан 356 нафари доимий равишда жамият қарамоғига олинган.

Бу рақамлар ортида якка-ёлғиз кексалар, меҳнат қобилияти чекланган ёки йўқотган темирйўлчилар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган oilалар ҳаёти мужассам. Энг муҳими, ёрдам умумий шаклда эмас, балки ҳар бир инсоннинг саломатлиги, турмуш шароити ва ижтимоий эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда манзилли ташкил этилди.

“МЕХР-ШАФҚАТ” ХИЗМАТИ – КУНДАЛИК ҲАЁТДАГИ ЁРДАМ

2025 йилда “Меҳр-шафқат” хизмати фаолияти ижтимоий ишларнинг энг жонли ва самарали йўналишларидан бири бўлди. Йил мобайнида 4 минг 599 та мурожаат келиб тушган, ҳамширалар томонидан уй шароитида 335 мингдан ортиқ хизмат кўрсатилди.



Бу рақамлар қуруқ статистика эмас. Бу кексайган инсоннинг уйида қилинган тиббий муолажа, ногиронлиги бўлган шахсга ўз вақтида берилган ёрдам, якка-ёлғиз инсон билан бўлган самимий суҳбатдир.

44 минг 847 маротаба ижтимоий-маиший хизматлар, қарийб 23 минг маротаба маиший ёрдам кўрсатилгани хизматнинг реал эҳтиёжлар асосида ишлаётганини яққол кўрсатади.

ТИББИЙ ЁРДАМ ВА ПРОФИЛАКТИКА – КАСАЛЛИКДАН ОЛДИНГИ ЭЪТИБОР

Ташкилот фаолиятида тиббий хизмат ва профилактикага алоҳида аҳамият қаратилди. 2025 йилда 209 нафар фуқаро диспансер кўригидан ўтказилди, 234 нафар темирйўлчи касалхонада ёки уй шароитида даволанди. Бу эса касалликларни эрта аниқлаш, асоратларни камайтириш ва инсоннинг ҳаёт сифатини сақлаб қолишга хизмат қилди.

Шу билан бирга, аҳоли ўртасида тиббий ва ижтимоий саводхонликни ошириш мақсадида 63 маротаба маъруза ва суҳбатлар ўтказилди. Фавқуллода вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича ўтказилган 29 та ўқув-машғулот темир йўл тармоғида хавфсизлик маданияти мустаҳкамланаётганини кўрсатди.

МАБЛАҒ ВА НАТИЖА: ИНСОН МАНФААТИ МАРКАЗДА

2025 йилда ижтимоий ҳимоя ва манзилли ёрдам тадбирларини амалга ошириш учун жами 677 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар белгиланган тартибда, шаффоф ва мақсадли равишда сарфланиб, эҳтиёжманд темирйўлчиларнинг кундалик ҳаётини енгиллаштиришга йўналтирилди.

Маблағлар ҳисобига озик-овқат



маҳсулотлари, кийим-кечак, санитария-гигиена воситалари, тиббий анжомлар ва реабилитация ускуналари манзилли равишда етказиб берилди. Шунингдек, протез-ортопедия буюмлари, электрон ногиронлар аравачалари ҳамда таянч-ҳаракат воситалари кўплаб инсонлар учун кундалик чекловларни камайтириб, мустақил ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлади.

ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ

2025 йил давомида темирйўлчиларнинг маънавий ривожини, уларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаолликни оширишга қаратилган қатор тадбирларда ҳам фаол иштирок этилди.

Жумладан, “Зукко китобхон”, “Заковат”, “Ёшлар форуми”, “Шахмат мусобақаси”, “Ёш кутқарувчи”, “Бола-лар ёзи” каби маърифий, интеллектуал ва тарбиявий тадбирлар доирасида темирйўлчилар ва уларнинг oilа аъзолари, айниқса, ёшлар ва болалар қамраб олинди.

Ушбу тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун қарийб 337 миллион сўм маблағ йўналтирилиб, бу харажатлар ёш авлодни соғлом, билимли ва ижтимоий фаол этиб тарбиялашга хизмат қилди. Бу эса ижтимоий ҳимояни фақат ёрдам бериш эмас, балки инсон салоҳиятини ривожлантириш воситаси сифатида қараш амалиёти кучайиб бораётганини кўрсатади.

САМИМИЙ ЭЪТИРОФ ЎРНИДА

Шуни ҳолисона таъкидлаш кераки, ушбу ижтимоий ишлар тизими ва узлуксиз амалга оширилишида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятининг молиявий қўллаб-қувватлаши муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Айнан шу қўллаб-қувватлаш тўғрисида режалар қозғода қолиб кетмади, балки амалиётга татбиқ этилди.

Бу – ортиқча таъриф эмас, балки амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалардан келиб чиққан ҳолис эътирофдир.

2026 ЙИЛ: ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ

2026 йил – “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” ижтимоий масъулиятни амалда намоён этишга қаратилган йил бўлиши кутилмоқда. Ушбу даврда ташкилот ўз фаолиятини янада ҳаётга яқин, инсон эҳтиёжига мос ва аниқ натижага йўналтирган ҳолда давом эттиришни мақсад қилган. Манзилли ижтимоий ёрдам қўламини кенгайтириш, тиббий профилактика ишларини изчил ва тизимли йўлга қўйиш, чекка ва олис ҳудудларда меҳнат қилаётган темирйўлчиларни қўллаб-қувватлаш орқали ижтимоий ҳимоянинг ҳақиқий мазмунини янада мустаҳкамлаш режалаштирилмоқда.

Шу мақсадда, жорий йилдан бошлаб “Саломатлик поезди” хизмат сафари орқали юртимизнинг олис ва оғир шароитларда меҳнат қилаётган темирйўлчиларга кундалик турмуши учун зарур бўлган эҳтиёж молларини манзилли равишда етказиб бериш назарда тутилган. Бу ташаббус ижтимоий ёрдамни кабинетларда эмас, ҳаётнинг ўзида ташкил этишга қаратилган амалий қадам сифатида эътиборга лойиқ.

ХУЛОСА

Темир йўл соҳасида ижтимоий ҳимоя – қўшимча вазифа эмас, балки тизимнинг ажралмас қисми. 2025 йил тажрибаси шуни кўрсатдики, инсон қадрига қаратилган, манзилли ва молиявий жиҳатдан таъминланган ижтимоий ишлар жамиятда ишончни мустаҳкамлайди.

Чунки темир йўллар фақат шахрларни эмас, инсон тақдирларини ҳам боғлайди. Ана шу тақдирларни асраш эса жамиятнинг энг олий масъулиятидир.

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ – ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТИ

Давоми. Бошланиш 1-бетда



Давлат бошлиғи томонидан белгиланган аниқ мақсад ва вазифалар барча даражадаги раҳбарлар ва мутасаддилардан юқори масъулият, ташаббускорлик ҳамда самарали ижрони талаб этади.



Шунингдек, Мурожаатномада таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, ижтимоий ҳимоя механизмларини кучайтириш, маҳалла институтини янада ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани қайд этилди. Бу йўналишларда белгиланган вазифалар фуқароларнинг ҳаёт сифати ва фаровонлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Ушбу вазифалар хусусида батафсил тўхталган Т.Матибаев 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши жойларда аҳоли муаммоларини ҳал этишда маҳалланинг ўрни ва таъсирини янада оширишга қаратилган ислохотларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади. Унинг айтишича, маҳалла институти фуқаролар билан давлат ўртасидаги энг муҳим бўғин сифатида ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳолининг ташаббус ва фаоллигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.



Тадбир якунида Персонални бошқариш ва кадрлар тайёрлаш департаменти бошлиғи Д.Сабиров сўзга чиқиб, темир йўл соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг узвий қисми эканини таъкидлади. Унинг таъбирича, соҳада инфратузилмани янгилаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, хизматлар сифатини яхшилаш ва замонавий бошқарув усулларини жорий этиш борасида қилинган ишлар Президент Мурожаатномасида белгиланган вазифаларга амалий жавоб бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, у Мурожаатномадан келиб чиқувчи устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, иш самарадорлигини янада ошириш, жамоада масъулият ва фидойилик муҳитини кучайтириш ҳар бир ходимнинг энг муҳим бурчи эканини алоҳида қайд этди. Мазкур вазифаларни изчил ва сифатли амалга ошириш орқали темир йўл соҳаси мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўлишига ишонч билдирди.

ИЖТИМОЙ СОҶА

СПОРТ ВА ТУРИЗМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2025 йил 7 ноябрдаги 1-52-сонли “Ходимлар ва уларнинг oilа аъзоларини республиканинг тарихий шахарлари ҳамда ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор жойларга саёҳатларини ташкил этиш тўғрисида”ги қўшма қарори, шунингдек, “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали Касаба уюшмаси ҳудудий қўмита кенгаши Ижроия қўмитасининг 2026 йил 7 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 34 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашда касаба уюшма ташкилотларининг иштироки тўғрисида”ги 05-03-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида спорт-туризм тадбирлари ўтказилди.

Тадбир “Тошкент минтақавий темир йўл узели” ҳамда Ҳудудий ка-



саба уюшма қўмитаси ташаббуси билан хизмат кўрсатилаётган корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-ҳодимларини соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида “Хўжакент” – “Чиноркент” оромгоҳлари йўналишида ташкил этилди.

“Хўжакент” оромгоҳида спортнинг тош кўтариш, турникда тортилиш,

армрестлинг ҳамда жамоавий арқон тортиш турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Мусобақаларда “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали, Тошкент темир йўл масофаси, Тошкент алоқа ва сигналлаштириш масофаси, Тошкент электр таъминоти масофаси, “Ўзбекистон” локомотив депоси, “14-сонли рельс пайванд-

лаш поезди” масъулияти чекланган жамияти, “1-сонли Энергомонтаж поезди”, “Темирйўлқарго” акциядорлик жамияти, “203-сонли ТЙМС” ҳамда Салар темир йўл масофаси ишчи-ҳодимларидан иборат жамоалар иштирок этди.

Қизиқarli ва кескин баҳсларга бой ўтган мусобақалар якунига кўра жамоавий беллашувларда Тошкент темир йўл масофаси, “Ўзбекистон” локомотив депоси ҳамда “14-сонли рельс пайвандлаш” корхонаси жамоалари ғолиб деб топилди. Шунингдек, якка йўналишлар бўйича “Темирйўлқарго” акциядорлик жамияти, “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали, “203-сонли ТЙМС” ҳамда Тошкент алоқа ва сигналлаштириш масофаси ходимлари ғолибликни қўлга киритди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали ҳамда Ҳудудий касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совринлари топширилди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари учун “Чиноркент” бўйлаб саёҳат ҳам уюштирилди.

Орифжон ТҲҲАМАТОВ

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

СПОРТНИ СЕВИНГ,
СПОРТ БИЛАН ЯШАНГ!

“Бухоро минтакавий темир йўл узели” филиали Худудий касаба уюшма кўмитаси томонидан ўзел ишчи ходимлари иштирокида “Спортни севинг, спорт билан яшанг!” спартакиадаси ўтказилди.



“Бухоро минтакавий темир йўл узели” филиали Худудий касаба уюшма кўмитаси томонидан Когон шаҳридаги “Орзу” спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 34 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан кўмита тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар ишчи-ходимлари ўртасида спортнинг турникда тортилиш, тош кўтариш, югуриш ва арқон тортиш турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Мусобақада жами 16 та жамоа ва 96 нафар иштирокчи қатнашди. Қизғин ва мурасасиз ўтган беллашувлар натижаларига кўра 1-ўринни Зиёвуддин темир йўл масофаси корхонаси жамоаси эгаллади. 2-ўринни “Қоровулбозор” темир йўл станцияси жамоаси қўлга киритди. Учинчи ўрин “Бухоро” локомотив депоси жамоасига насиб этди.



Турнирда қатнашган барча иштирокчилар ҳамда финал босқичи ғолиблари Худудий касаба уюшма кўмитасининг эсдалик совғалари ва пул мукофоти билан тақдирландилар.

“ҚЎНҒИРОТ” ТЕМИР ЙЎЛ
ШИФОХОНАСИДА ЭНДОПРОТЕЗЛАШ
АМАЛИЁТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Суяк-бўғим касалликлари ва жароҳатланишининг олдини олиш, ушбу хасталикларни эрта ташхислаш ҳамда самарали даволаш ҳозирги кунда жаҳон тиббиётининг энг долзарб масалаларидан биридир.

Эндопротезлаш – шикастланган ёки фаолияти бузилган суяк-бўғимларни сунъий протезлар билан алмаштириш орқали беморнинг ҳаракат қobiliятини тиклашга қаратилган юқори технологияли жарроҳлик усули ҳисобланади.



Маълумки, шу кунга қадар эндопротезлаш амалиётлари асосан республика миқёсидаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида амалга оширилиб келинган. Эндиликда эса аҳолига янада яқин ва қулай тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида мазкур даволаш усули қўйи бўғин тиббиёт муассасаларида ҳам жорий этилмоқда.

Жумладан, “Қўнғирот” темир йўл шифохонасида эндопротезлаш амалиёти йўлга қўйилди. Ушбу шифохонанинг хирургия бўлимида Президентимиз томонидан жорий этилган тиббий суғурта тизими асосида эндопротезлаш амалиёти биринчи марта муваффақиятли тарзда ўтказилди. Амалиёт тажрибали травматологлар ва жарроҳлар ҳамкорлигида бажарилиб, ижобий натижалар қайд этилди.

Бу янгилик ҳудуд аҳолиси учун катта қулайлик бўлиб, беморларнинг узоқ масофаларга бориб даволаниш заруратини камайтиради ҳамда ўз вақтида малакали тиббий ёрдам олиш имкониятини яратди. Шу билан бирга, эндопротезлаш амалиётининг қўйи тизимда жорий этилиши мамлакатимиз тиббиётда олиб борилаётган ислохотларнинг яна бир амалий самараси сифатида баҳоланади.



“КАСАБА УЮШМАСИ БОҒИ”
КЕНГАЙТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 майдаги “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳамда ўрмонларни бошқариш тизимида ислохотларни изчил давом эттириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 90-сон фармони ижросини таъминлаш ҳамда “Яшил макон”



умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбирлар самарадорлигини ошириш, яшил ҳудудлар майдонини кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш ва чўлланишга қарши курашиш ишларини тизимли амалга ошириш, шунингдек, мазкур йўналишларда ягона давлат сиёсатини юритиш ва мувофиқлаштириш мақсадида “Бухоро минтакавий темир йўл узели” филиали тасарруфидаги “Фаровон” станцияси ҳудудида 2025 йилда 1,5 гектар майдонда ташкил қилинган “Касаба уюшмаси боғи” 3,33 гектар майдонга кенгайтирилиб, ўзел Худудий касаба уюшма кўмитасига бириктирилди ҳамда ушбу майдонга мева дарахт кўчатлари экилди.

ХАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ
БЎЛИБ ЎТДИ

“Темирйўлнфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари, “Қўнғирот минтакавий темир йўл узели” филиали Хоразм ҳудуди бошлиғи ҳамда Ягона диспетчерлик маркази раҳбарияти ва поезд диспетчерлари иштирокида Хоразм ҳудудий тизимидаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, ўрта бўғин раҳбарлари ҳамда ишчи-ходимлар учун кенгайтирилган йиғилиш ташкил этилди.



Йиғилиш давомида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, “Жалолиддин Мангуберди” поездлари ҳаракатини ташкил этиш масалалари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди. Мазкур жараёнда юқори тезликда ҳаракатланувчи поезднинг ташкилий жиҳатлари, хавфсизлик қоидаларига риоя этиш талаблари ҳамда хизмат кўрсатиш тартиби бўйича масъул ходимларга батафсил маълумотлар берилди.

Шунингдек, поездлар ҳаракати жадвалини муҳокама қилиш, машинистларнинг таклифларини қўриб чиқиш, совуқ об-ҳаво шароитида локомотивлардан фойдаланиш қоидалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.



Тадбир якунида локомотив бригадалари билан савол-жавоблар ўтказилди ҳамда фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган, ўз хизмат вазифаларини намунали бажараётган ишчи-ходимлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

МЕТАЛЛ КЎПРИКНИНГ ЁҒОЧ
БРУСЛАРИ АЛМАШТИРИЛДИ

“Темирйўлнфратузилма” акциядорлик жамияти бош муҳандиси С.Асқоровнинг 2026 йил 13 январь санасидаги 19-ЖДС-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида “Қўқон



минтакавий темир йўл масофаси филиали бошлиғи Б.Насиров бошчилигида “Қорасув” – “Хонобод” темир йўл станциялари оралигида жойлашган металл кўприкнинг ёғоч брусларини алмаштириш ишлари бажарилди.



Барча жараёнлар учун “окно” вақти ажратилган бўлиб, поездлар ҳаракати хавфсизлиги тўлиқ таъминланди. Раҳбар ва ишчи-ходимлар меҳнат муҳофазаси талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ишларни амалга оширдилар.



ХУДУДИЙ КАСАБА УЮШМА
КЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ЭСДАЛИК
СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

“Қарши минтакавий темир йўл узели” филиалида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда бир гуруҳ ходимлар тақдирланди.

Мазкур тадбирни ўзел филиали бош муҳандиси Т.Ҳамраев кириш сўзи билан очиб, юртимиз тинчлиги ва осийшталлигини таъминлаш йўлида фидокорона хизмат кўраётган барча Ватан ҳимоячиларини ушбу қутлуг сана билан самимий табриклади ҳамда уларга мустақкам соғлиқ, oilавий фаровонлик ва хизмат фаолиятида юксак муваффақиятлар тилади.



Тадбир давомида Қарши ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди штаби ходимларининг юксак масъулият, садоқат ва фидойиликка асосланган самарали касбий фаолияти эътироф этилиб, “Қарши минтакавий темир йўл узели” филиали Худудий касаба уюшма кўмитаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.



НА ДОРОГАХ МИРА

ALSTOM ПОСТАВИТ ЕЩЕ 26 ПОЕЗДОВ
CORADIA MAX ДЛЯ ФЕДЕРАЛЬНОЙ ЗЕМЛИ
БАДЕН-ВЮРТЕМБЕРГ

Бедомство Landesanstalt Schienenfahrzeuge Baden-Württemberg (SFBW), созданное в федеральной земле Баден-Вюртемберг для финансирования закупки и управления новым подвижным составом, и компания Alstom подписали контракт стоимостью около 500 млн евро на поставку 26 частично двухэтажных электропоездов Coradia



Max в 2028 г. и их техническое обслуживание до 2055 г. Заказ оформлен в рамках опциона к заключенному в мае 2022 г. контракту на строительство 130 региональных электропоездов повышенной вместимости и их техническое обслуживание в течение 30 лет. Первый поезд по этому контракту был отправлен на испытания в Германию с завода в польском Хожуве в ноябре 2024 г.

Новые поезда ведомство SFBW предоставит операторам DB Regio Baden-Württemberg и Arverio, которые будут использовать их на региональных маршрутах начиная с декабря 2026 г. В состав поездов, рассчитанных на максимальную скорость 200 км/ч, входят два концевых двухэтажных вагона и два промежуточных одноэтажных с суммарным числом мест для 380 чел. В вагонах предусмотрены салоны с открытой планировкой, зоны для бизнес-встреч и семейных групп пассажиров, площадки для перевозки детских колясок, велосипедов и крупногабаритного багажа. Вагоны оснащают кондиционерами, беспроводным доступом в Интернет, розетками для зарядки мобильных телефонов и портативных компьютеров, индивидуальными лампами для чтения. Пол в вагонах выполнен в одном уровне с платформами высотой 760 мм. Для посадки пассажиров в креслах-колясках на станциях с платформами другой высоты в вагонах предусмотрены подъемные платформы.

В ТОРОНТО ПУСТИЛИ ВСЕ 60 ВАГОНОВ ТРАМВАЯ
FLEXITY ПОСТРОЙКИ ALSTOM

Toronto Transit Commission (TTC), оператор общественного транспорта Торонто, столицы канадской провинции Онтарио, в январе 2026 г. ввел в эксплуатацию последний из 60 вагонов трамвая



семейства Flexity, заказанных компании Alstom в 2021 г. по контракту стоимостью 275 млн евро (около 396 млн канад. долл.). Закупку финансировали власти Канады, провинции Онтарио и города Торонто. Вагоны собирали на заводе Alstom в г. Тандер Бей (Онтарио) при участии предприятия компании в г. Ла Покарьер (провинция Квебек). В реализации проекта было задействовано около 400 высококвалифицированных сотрудников Alstom.

Первый вагон Flexity постройки Alstom приступил к перевозкам в этом канадском городе в ноябре 2023 г., а последний прибыл в Торонто в конце 2025 г. Численность трамваев в парке TTC увеличилась почти на 30 % (до 264 ед.). Полностью низкопольные пятисекционные трамваи с одной кабиной управления отличаются высоким уровнем комфорта и отвечают требованиям доступности для лиц с ограниченной мобильностью. Кроме того, правительство Канады выделило около 180 млн канад. долл. на модернизацию депо Хиллкрест, предназначенного для обслуживания нового подвижного состава. Строительные работы в рамках этого проекта ведутся с марта 2025 г.

Ранее Alstom поставила в Торонто 18 полностью низкопольных вагонов семейства Citadis для эксплуатации на линии Finch West, открывшейся для пассажиров в декабре 2025 г.

Трамвайная сеть Торонто, включающая 11 линий колеи 1495 мм общей протяженностью 308 км, является одной из самых крупных и интенсивно используемых в Северной Америке. В 2024 г. общий объем перевозок на этой сети составил 34,5 млн пассажиров.

КОНСОРЦИУМ SIEMENS И STADLER ПОСТРОИТ
БЕСПИЛОТНЫЕ ПОЕЗДА ДЛЯ S TOG
КОПЕНГАГЕНА

Железные дороги Дании (DSB) выбрали консорциум компаний Siemens Mobility и Stadler в качестве поставщика не менее 226 электропоездов для городской железной дороги (S tog) Копенгагена.



Стоимость контракта, который включает в себя также техническое обслуживание подвижного состава в течение 30 лет, составляет 23 млрд датск. крон (более 3 млрд евро). Первый поезд должен быть введен в эксплуатацию в 2032 г. на линии F, которая будет работать с уровнем автоматизации GoA4. Перевести всю сеть S tog Копенгагена общей протяженностью 170 км на режим беспилотного движения поездов планируют примерно к 2040 г. Соответствующий договор с компанией Siemens был подписан весной 2024 г. Новая система должна обеспечить межпоездной интервал около 90 с на участках с наиболее интенсивным движением. В 2024 г. пассажиропоток на S tog Копенгагена составил 112 млн чел., в будущем ожидается его рост на отдельных направлениях на величину до 35 %.

Тендерные процедуры по закупке беспилотных поездов были инициированы в августе 2023 г.

По материалам интернета

Фойдали маслаҳат

ТОМОҚ ОҒРИҒИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНИМИ?

Маълумки, томоқ оғриғининг сабаби кўпинча инфекциядир – вируслар (кўп ҳолларда), бактериялар ва замбуруғлар. Шунинг учун, кўриниб турибдики, инфекция юқишдан сақланиш зарур. Бироқ инсон жамиятнинг бир қисми бўлган замонавий дунёда алоқалардан қоча олмайди.



Инсон ўзини қандай ҳимоя қилиши керак?

Қоидалар оддий:

● жамоат жойларида бўлиб қайтганингиздан кейин ҳар сафар қўлингизни ювинг; вестибюлга фақат почта олиш ёки ахлатни олиб чиқиш учун чиққан бўлсангиз ҳам, уйга келганингизда қўлингизни ювинг;

● юзга, айниқса, кўз, оғиз ва бурунга тегмасликка ҳаркат қилинг, чунки шиллиқ пардаларга тушадиган вируслар ва бактериялар кўпайишни бошлайди;

● овқат, қошиқ, санчки, пичоқ, сув идиши, салфетка ёки сочиқни ҳеч ким билан бўлишманг;

● телефонингизни жамоат жойларида, масалан, ресторанда турли жойларга қўйманг, уни чўнтагингизда ёки сумкангизда қолдириг, жамоат ҳожатхонасига кирганингизда раковинага қўйманг;



● спорт залига борганингизда телефонингизни ўзингиз билан олиб борсангиз, тренажёрга қўйманг, бўйингизга сочиқ олиб олганингиз маъқул;

● агар ҳамкасбингиз ёки дўстингизда шамоллаш аломатлари бўлса, қўл бериш ва кучоқлашишдан сақланинг; Мавсумий инфекциялар пайтида иммун тизимини қандай мустаҳкамлаш мумкин?

Ҳаммамиз биламизки, ЎРВИ куз ва қишда ёзга қараганда анча кўп учрайди. Томоқ оғриғи ЎРВИ аломатларидан биридир. Иммунитетимиз қанчалик кучли бўлса, танамиз вирусларга шунча камроқ чалинади.

● Уйку жадвалингизни илжи борича доимий сақлашга ҳаракат қилинг – яхши уйку танангизга тикланиш имкониятини беради.

● Организм захираларининг камайиб кетмаслиги учун танамиз витаминлар ва микроэлементларга бой бўлиши керак; кўпроқ янги сабзавот ва мевалар, ёнғоқ истеъмол қилинг; “тезкор” (ширинликлар, ун маҳсулотлари) ва секин (донли) углеводларни танлашда “секин”ни танланг.

● Етарлича суюқлик ичинг, оддий сув ёки чой ичинг, чунки шарбатларда кўп миқдорда шакар мавжуд.

● Чекманг, спиртли ичимликлар ёки қаҳва ичманг.

● Мунтазам равишда машқ қилинг. Уйда 15-20 дақиқалик бадантарбия ёки 30 дақиқалик тез юриш танани яхши сақлашга ёрдам беради.

Агар томоқ оғриғи ҳақида гапирадиган бўлсак, яна бир нечта оддий маслаҳатлар мавжуд:

● совуқ қотмаслик – пальто ёки куртка киймасдан ташқарига чиқманг, об-ҳавога қараб кийининг;

● совуқ ҳавода бақирманг, баланд овозда ва кўп гапирманг – бу овоз пайларининг стрессини келтириб чиқариши мумкин;

● агар ташқарида ҳаво совуқ бўлса, бурун орқали нафас олишга ҳаракат қилинг;

● хонада етарли намликни сақлашга ҳаракат қилинг.



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси
Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҶИЧИБОВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомуҳбир – Ёқубжон МУРОТОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади: 1200

СИЗ КУТГАН СУҲБАТ

1 983 йил 29 ноябрь куни Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида туғилган актриса Ҳувайдо Жумаева 2003 йил Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтига ўқишга кирган. Илк ижодий фаолиятини Ўзбекистон Давлат сатира театрида бошлаган, шунингдек, “Улфатлар” ва “Паноҳ” каби фильмларда дастлабки эпизодик ролларини ижро этган.

ҲУВАЙДО ЖУМАЕВА:

“ЭНГ СОДИҚ МУХЛИСИМ – ТУРМУШ ЎРТОҒИМ”



– *Турмуш ўртоғингиз санъатни бутунлай тўхтатиб, фарзанд тарбияси билан уйда ўтиришингизни сўраган пайтлари бўлганми?*

– Ҳа, бундай пайтлар бўлган. Бу тахминан 10 йил аввал эди. Аммо кейинчалик турмуш ўртоғим санъатимни нафақат қабул қилди, балки яхши кўриб қолди. Ҳатто телевизорда кўринмасам, зерикиб қоладиган бўлди. Интернет тармоқларида, хусусан, комедик вайнларда чиқиб турсам, уларга ҳам жуда ёқади. Касбимни ҳурмат қилади. Бир сўз билан айтганда, менинг биринчи ва энг содиқ мухлисим – турмуш ўртоғим. Борларига шукр.

– *“Lady show” кўрсатувига келиб қолишингиз тасодифми ёки бу лойиҳа сизга тегишлими?*

– “Lady show”га тасодифан келиб қолганим йўқ. Кўрсатув ҳам менга тегишли эмас. Бу гоё “Milliy” телеканалда фаолият юритган ҳамкасбимиз Махфуза Шербоевага тегишли. У шундай кўрсатувлар қилиш гоёси билан юрарди. Кунларнинг бирида: “Кўрсатув қиялпимиз, келинг”, деб таклиф қилди. Бордик, раҳбариятга кичик саҳна кўринишини тайёр-

лаб кўрсатдик ва уларга маъқул келди. Шундан сўнг кўрсатувга аввалига “Хандоналар” деб ном қўйдик, кейин эса “Lady show” деб ўзгартирдик. “Lady show”ни бошлаганимизга ҳам тўрт йил бўлибди. Кўпчилик ҳар ҳафта қизиқарли сценарий ва гоёларни қаердан олишимизга ҳайрон қолади. Аслида эса мавзу ва сценарийларни ўзимиз бошимиздан ўтган, эшитган қизиқ воқеаларни бадиийлаштириб, саҳналаштирамиз. Бугун “Lady show” рейтинг бўйича энг баланд кўрсатувлардан бири. Энг муҳими эса халқимиз қалбидан, кўнглидан жой олганимиз.

– *Ўзингизга ўхшаш образни ўйнаш осонми ёки аксинчиси?*

– Мен ҳазил-хузул қилишим мумкин, лекин ҳеч қачон бировнинг дилини оғритмайман. Ҳаётда мен бир хилман, саҳнадаги образларим эса бутунлай бошқача. Шунга қарамай, образларимда озгина бўлса-да соддалигим сезилиб қолса керакки, мухлисларим доим “жуда соддасиз, оддийсиз”, деб таъкидлашади. Саҳнада кўпинча баджаҳл, урушқоқ қаҳрамонларни гавдалантирсам-да, ҳаётда жуда кўрқоқ инсонман. Менга қандай образ берилмасин, уни ҳис қилиб, ишониб, мазза қилиб ўйнашни яхши кўраман. Ана шунда умуман қийналмайман.

– *Танқидга қандай муносабатдасиз?*

– Танқиднинг ҳам тўғриси ва нотўғриси бўлади. Мен уларни ажрата оламан. Тўғри

танқидни ўзимга қабул қиламан, ундан хулоса чиқараман. Нотўғри танқидларга эса аҳамият бермайман, асабимни ҳам бузмайман. Ўқийман, лекин уни онгимда сақлаб ўтирмайман, ўзимни эзиб-сиқиб юрмайман. Тўғри танқиддан тўғри фойдаланишга ҳаракат қиламан. Айнан шу сабабли ҳам, ҳозиргача халқимизнинг севимли санъаткорларидан бири бўлиб келялман.

– *Ижод ва оила ўртасида мувозанатни қандай сақлайсиз?*

– Албатта, бу йўлда қийинчиликлар бор. Айниқса, ҳозирги пайтда оиламга жуда кам вақт ажратяпман. Кўпинча уйга фақат ухлаш учун келаман. Болаларимга эрталабки нонушта қилиб беришга ҳам улгурмайман, кечки овқат таъйёрлашга ҳам баъзан вақт тополмай қоламан. Шу сабабли гоҳида оилавий келишмовчиликлар ҳам бўлиб туради. Ишларимни камайтираман, деб ният қилганимда эса рад қилиб бўлмайдиган даражада яхши тақдирлар чиқиб қолади. Баъзида ўзимни айбдор ҳис қиламан. Шу “айбим”ни ювиш учун эса болаларимга ва оиламга совғалар олиб бераман, саёҳатларга олиб чиқараман. Лекин барибир қалбимда кўрқув бор: “Эртага бунга жавоб қандай бўларкин?” деган ўй мени тарқ этмайди.

– *Ҳали ижро этмаган, аммо орзу қилиб келаётган ролингиз борми?*

– Албатта, бор. Ҳали ижро этмаган, лекин орзу бўлиб келаётган образларим кўп. Улардан бири – тарихий киноларда роль ўйнаш. Масалан, Тумарис, Нодирабегим каби эсда қоладиган, кучли аёл образларини гавдалантиришни жуда истайман. Ҳозирча устозларимдек тарихий қаҳрамонларни яратиш насиб қилмади.

– *Томошабинлар сизни қандай актриса сифатида эслаб қолишни истайсиз?*

– Томошабинлар мени ҳозир ижод қилиб келаётган комедия образларим орқали эслаб қолишларини истайман. Характерли, комедик ролларни ижро этган, энг муҳими эса самимий ва содда актриса сифатида хотираларида қолишни хоҳлайман.

Аваз ОМОНОВ
суҳбатлашди

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда рўйхатга
олинган.
Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-134

Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6